**Иқтисод ва ислоҳот**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ — ҲИМОЯДА

## БЎЛСА, НАФАҚАТ У, БАЛКИ ДАВЛАТ ҲАМ, ЖАМИЯТ ҲАМ ЮТАДИ

**Тошкент вилояти Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси бошлиғи Хайрулла ЙЎЛДОШЕВ бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида ўзига хос иқтисодий-ижтимоий муаммолар бўлиши ҳақида узоқ гапирди. Масалан, истеъмолчи манфаати, яъни унинг ҳақ-ҳуқуқини монополиядан ҳимоя қилиш — нафақат унинг ўзига, балки давлатга ҳам, жамиятга ҳам манфаат келтиришини, энг муҳими, истеъмолчи мамлакатда қонун устуворлигига қатъий ишонч ҳосил қилишини ва ўзининг кафолатли ҳақ-ҳуқуқлари борлигини чуқур ҳис этишини аниқ мисолларда сўзлаб берди.**

**— Хайрулла Суннатуллаевич, истеъмолчи ҳақ-ҳуқуқининг кафолатли ҳимояси — шубҳасиз, Мустақиллик йиллари самараларидан бири. Бу борада қабул қилинган қатор қонунлар ижроси бугунги кунда аҳолига қандай ва қай ҳолларда ёрдам бераяпти? Унга ҳамма ҳам риоя қилаяптими?**

— Ўзбекистон Республикаси «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг қабул қилинганига мана, саккиз йил бўлди, лекин ушбу Қонунга риоя этмаслик ҳолатлари учраб турибди. Буни вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармасига келаётган шикоят-аризалар ҳам кўрсатмоқда.

Бошқармамизга жорий йилнинг 22 февралида Янгийўл туман, Гулбаҳор қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Аҳил» маҳалласи аҳлидан шикоят тушди. Унда бир қаватли коттежларда канализация ва марказлашган иссиқлик манбаи йўқлиги, лекин туман «Коммунал сервис» уй-жойдан фойдаланиш хўжалиги 2001-2003 йиллар давомида эксплуатация хизматлари ва тўлов жараёнида берилаётган квитанция қоғозлари учун ҳақ олаётганлиги баён этилганди.

Шикоят жойида ўрганилганда, ҳақиқатан ҳам «Коммунал сервис» истеъмолчилар билан шартномалар тузмаган ҳолда, улардан мунтазам ҳақ олиб келганлиги ва бир қаватли коттежларга шу кунгача бирор-бир хизмат кўрсатмаганлиги аниқланди. Кўрсатилмаган хизматлар учун олинган эксплуатация харажатлари қайтарилиши бўйича ҳудудий бошқарма томонидан аҳоли манфаати фойдасига қарор қабул қилиниб, 288648 сўм маблағ ҳамда бошқа хил тўловлар қайта ҳисоб-китоб қилинди.

Яна бир мисол: Чирчиқ шаҳрининг 3-кичик тумани, 17-уй, 30-хонадонда яшовчи фуқаро В.Добренко Чирчиқ «Иссиқлик манбаи»га 2003 йилнинг февраль ойидан 2004 йилнинг январь ойига қадар иссиқ сувга ҳақ (764 сўм) тўлагани, лекин 2003 йил март ойида иссиқ сувга тариф (1074 сўм) ошганлиги муносабати билан яна қўшимча ҳақ ҳам олинаётгани тўғрисида хабар қилди. Унинг аризасида 2003 йил давомида «Иссиқлик манбаи» 123 кун иссиқ сув бермаганлиги ва фойдаланилмаган 123 кун учун иссиқ сувга 764 сўм ҳисобидан қайта ҳисоб-китоб қилиб берилиши кераклиги кўрсатилганди. Текширувда чиндан ҳам айтилган камчилик ва хатоликлар тасдиғини топди. Натижада, 123 кунга тўланган ҳақ қайтарилиб, 2004 йилда фойдаланилмаган мазкур кунларнинг иссиқ сув ҳақи эски тариф бўйича тўланди. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 13.09.2002 й. №1173-сон билан рўйхатга олинган ҳамда «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 12.08.2002 й. №68-сонли буйруғига асосан Ўзбекистон Республикаси шаҳарлари ва аҳоли яшайдиган манзилгоҳларида уй-жой фондини сақлаш, таъмирлаш ва коммунал хизматлари кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни тўлаш тўғрисида Низомнинг 25-бандида **«Уй-жой мулкдорлари ёки уйни ёлловчилар коммунал хизматлар учун аванс тарзида (ўн икки ойдан кўп бўлмаган даврга) ҳақ тўлаган бўлсалар, ушбу даврда тегишли тарифлар ошганидан қатъий назар қайта ҳисоб-китоб қилишдан озод этиладилар»,** деб кўрсатиб ўтилган.

**— Баъзан аҳолидан уй-жойлардаги газ ҳисоблаш жиҳозлари носозлиги ва йўл транспорти воситалари хизмати учун йўловчилардан олинаётган багаж ташиш ҳақига ортиқча пул тўланаётгани борасида ҳам таҳририятларга хат-хабарлар келиб туради...**

— Тўғри, айтдингиз. Шундай ҳоллар бўлиб турибди. Яқинда Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 52-уй, 12-хонадонда яшовчи фуқаро Галина Григорьевна Куликова бизга ҳам мурожаат қилиб, «Бўстонлиқтумангаз» корхонаси томонидан ўрнатилган газ ҳисоблагич носоз эканлиги ва унинг нархи қимматлиги, боз устига у бундай газ ҳисоблагич ҳақини тўлаш имкониятига эга эмаслигини билдирди. Шундан сўнг у ерда газ ҳисоблагич жиҳози алмаштирилди. 2004 йил «Меҳр ва мурувват» йили бўлганлиги ва хонадон соҳиблари нафақахўр эканликлари учун уларнинг уйларига ўрнатилган газ ҳисоблагич нархининг 50 фоизини «Бўстонлиқтумангаз» филиали ўз фойдасидан қоплаб берди.

Ёки «Чиноз Автотуллпор» масъулияти чекланган жамиятда ўтказилган текшириш ҳам шуни кўрсатдики, автобус шоҳбекати ва бекатларда уларнинг номи, қатнов жадвали, йўналиш кўрсаткичлари ёзиб қўйилмаган. Хизмат кўрсатилаётган автобусларда тарифлар, йўналиш схемалари ва автотранспортда бепул юришга ҳамда бошқа имтиёзларга эга йўловчилар таркиби рўйхати белгиланмаган. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунининг 5, 6-моддалари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сонли қарори билан тасдиқланган «Автомобиль транспортида йўловчилар ва багажни ташиш» қоидасининг 19-банди бузилишига олиб келган.

Бундан ташқари жамият томонидан йўловчиларга хизмат кўрсатаётган автобусларда йўл ҳақларига чипта берилмаётган ҳоллар ҳам аниқланди. Натижада, вилоят Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси қарор қабул қилиб, «Чиноз Автотуллпор» масъулияти чекланган жамиятига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 26 августдаги 370-сонли қарорига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 100 (юз) баравари — 544,0 (беш юз қирқ тўрт минг) сўм миқдорида жарима қўлланилди...

Суҳбатимиз шу ерга етганда бошлиқ бошқарма фаолияти ҳақида кундалик юмушлар тарзида ёзиб бораётган қалин иш дафтаридан айрим битикларни ҳам ўқиб берди:

**«Истеъмолчиларни монополистик фаолиятдан ҳимоя қилиш ва монополистик хатти-ҳаракатларга барҳам бериш борасида кўрилаётган тадбирий чораларнинг асосий манбалари:**

**Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунлар;**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари;**

**Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш республика Давлат Қўмитаси белгилаган тартиб-қоидалар;**

**— вилоятдаги қатор давлат бошқаруви органлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган дастур режалари;**

**— ...уларнинг ижроси устидан доимий мониторинг ишлари якунлари;**

**— Қўмита ва вилоят ҳокимлигига тақдим этиш учун тайёрланаётган маълумотлар ва таклифлар таҳлили...»**

Кўриниб турибдики, бошқарма режаси — аниқ, ижроси — самарали. Ўз навбатида, бундан истеъмолчи ҳам, давлат ва жамият ҳам манфаатдор. Манфаат бор жойда ўсиш, юксалиш — муқаррардир.

**Суҳбатдош:**
**Номоз САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Нуқтаи назар**

# САРМОЯ — ТАРАҚҚИЁТ КАЛИТИ

Миллий иқтисодиётимизнинг энг муҳим ва долзарб масалаларидан бири, бу — мамлакатимизда сармоя — инвестиция фаолиятини ривожлантириш. Зеро, у барқарор иқтисодий ўсишга эришиш омили. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, ҳар бир давлат иқтисодиётига йирик миқдорда хорижий инвестициялар жалб этиш учун ўз сармоявий сиёсатини яратиш ва сармоявий иқлимни такомиллаштиришга ҳаракат қилади. Бунинг учун энг аввало, инвестиция муҳитининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратишга киришади.

Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб бу масалага алоҳида эътибор қаратилди. Қисқа давр ичида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини шакллантиришга ва унинг ҳуқуқий кафолатини тегишли қонунлар билан таъминлашга эришилди. Қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатлар замон талабларига мослаштирилиб борилди. Ижтимоий йўналтирилган ва кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантириш шароитида хорижий инвестицияларнинг муносабатлари белгилаб олинди. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида ҳам мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий база яратилди. Мамлакат ҳудудида хорижий инвестицияларнинг амалга ошириш тартиблари белгиланиб, уларнинг самарали фаолият юритишлари учун сиёсий, иқтисодий ва молиявий кафолатлари таъминланди ва имтиёзлар тартиби аниқ белгилаб олинди.

Замон тақозоси билан кўрилаётган бу тадбирлар бозор иқтисодиётига эндигина ўтиб ва мослашиб бораётган мамлакатимиз иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёс эканлигидан далолат. Чунки, инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилмай туриб, уларнинг самарадорлигига эришиб ва пировардида, мамлакат ривожига етишиб бўлмайди. Бунинг учун наздимда, ҳали республикамизда инвесторлар фаолиятининг эркинлиги ва жалб этилган инвестицияларни иқтисодиётнинг реал секторларига йўналтириш борасида яна қатор механизмлар ишлаб чиқилиши зарур. Жумладан, хорижлик сармоядорларга давлат томонидан берилаётган имтиёзлар ва кафолатлар доираси кенгайтирилиши лозим, деган фикрдаман. Зеро, бугунги кунда тараққиётнинг калити сармояда эканлигини ҳеч ким инкор этолмаса керак.

**Равшан КАРИМОВ,**
**Тошкент молия институтининг 2-курс магистри**

**Ватан туйғуси**

# БИР КАФТ ТУПРОҚ...

Туйғулар минг бир жилога ўхшайди, турланади, тусланади. Лекин улар орасида Юрт, Ватан туйғуси бус-бутун ва муқаддасдир.

Туйғуларни ўлчаб, тарозида тортиб бўлмайди. Уни қалб кўзи билан кўрмак, ҳис этмак керак. Ҳаётдаги ҳар бир ҳодиса, ҳолат кишини ўйлашга, мулоҳаза юритишга мажбур этади.

Яқинда анчадан буён кўришмаган дўстимни учратиб қолдим. Авваллари биз у билан турли мавзуларда узоқ суҳбатлашардик, қизғин баҳслашардик. Тўғриси, уни сермулоҳаза, теран фикрли инсон сифатида ҳурмат қилардим. Салом-аликдан сўнг ҳол-аҳвол сўрашгач, одатий савол-жавобга ўтдик:

— Э, нимасини сўрайсан, бошим қотиб ўтирибман, — деди у ҳеч кутилмаганда.

— Нима бўлди, тинчликми? Ишларинг жойидами? — дедим хавотирга тушиб.

— Ишку бор, — қўл силтади у. — Маошга яшаб бўладими?

— Ойлигинг қанча ўзи?

У менинг маошимдан икки ҳисса кўп суммани айтдида яна қўл силтади.

— Ў-ў, зўрку!

— Нимаси зўр?! Шунга яшаб бўладими?

— Нега бўлмас экан? Менинг маошим сеникининг ярмига тенг. Шунга ҳам қаноат қилиб, яшаб юрибман-ку.

— Э-э. Қўйсангчи... Яқинда чет элга кетяпман. Ҳаммаси бошқача бўлади.

— Ўқишгами... ишгами?..

— Яшашга...

— Нима? Бу нима деганинг?! Ота-онанг, ака-уканг, ёру-биродарларингни ташлаб-а?

— Нима бўпти. Хат ёзишиб, телефонда гаплашиб турамиз.

— Ватанинг — Юртингни ташлаб кетаверасанми? — овозимни бир парда кўтариб сўрадим, — сени таниёлмай қолдим.

— Одам ҳаётга бир марта келади. Яшаш керак-да...

— Ватан дейсан, бу нима ўзи?.. Сенсиз ҳам кунини кўраверади.

— Йўқ, сен тушунмаяпсан... Ахир инсон учун туғилган юрт, Ватан азиз-ку...

— Э,.. Сенга тушунтириш қийин...

Шу вақт автобус келди-ю, у хайр-хуш қилиб жўнаворди. Шу билан унинг гаплари чала, меники эса ичимда қолди. Мен дилимдаги унга айтар сўзларимни қоғозга туширдим, балки ўқиб қолар. Агар газета-журналларни ўқиб турадиган одатини ташламаган бўлса.

Дўстим, сен тўғри савол бердинг. Нима ўзи Ватан? Шоирнинг қуйидаги сатрларини ўқиган ёки тинглагандирсан:

**Ватан не, деб сўрганларга,**
**Бир кафтгина тупроқ бердим.**

Мана сенга жавоб. Ватан — бир кафтгина тупроқ. Бу тупроқ сенга нима бера олиши мумкин, агар ўзинг унга ҳеч нарса бермасанг...

Ўзга юртда шоҳ бўлгунча ўз юртингда гадо бўл, деган мақол бор. Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳақида жуда яхши биласан. У ўзга элнинг шоҳи, аммо, ўз элининг бир ҳовучгина тупроғига зор эди. Ватандан унинг тупроғини босиб борганларнинг пойини кўзларига тўтиё айларди. Юртингизга боряпман, сизга не келтирай, амирзодам, деб сўраганларга, Ватанимнинг бир ҳовучгина тупроғини, деб жавоб берарди. Шоҳ эди-а у. Сен хорижга бориб ким бўлмоқчисан? Бобур ўз юртига қаландар бўлиб қайтишга ҳам тайёр эди. Сен-чи?..

Дўстим, биз ҳали ёшмиз. Ота-онамиз, жонажон Ватанимиз, киндик қонимиз тўкилган тупроқ бағрида эрка фарзанд бўлиб яшаяпмиз.

Сенга Ватан ҳақида гапиряпман-у, аммо унинг асли нима эканлигини, уни қандай ҳис этишимни барибир сўз билан ифодалаб бера олмайман. Муқаддас китобларда ёзилишича, «биров учун Ватан бу уй-жой, бола-чақа. Бошқаларга эса тўкин-сочин яшашга қулай жой. Ундайлар учун қаерда осон бўлса, ўша ер Ватан. Бутун ер юзини Ватаним, деб билувчи кимсалар ҳам бор, албатта. Оддий халқ ибораси билан айтсак, уларни беватанлар ҳам дейиш мумкин. Ўз Ватанини ёдидан чиқарган одамда бошқа бир муқаддас туйғу бўлмайди. Бундайлар юрт бошига бирор нохушлик тушса, дарҳол у ерни тарк этиб, бошқа қулайроқ жойни кўзлашади.

Тарихдан маълумки, Бобурдан бошқа Ватанидан йироқда яшаган юртдошларимиз кўп бўлган. Аммо, уларнинг бирортаси ҳам ўз ихтиёри билан чиқиб кетмаган. Улар Ватандан жудо бўлган. Бир умр фироқда ўтган. Ихтиёри ила кетганлар фақат илму урфон излаб кетганлардир. Сен-чи?! Ўз хоҳишинг билан... Хонанда бекорга ёниб куйламайди:

**Ватан, деб Ватандан**
**кетганлар айтсин,**
**Соғинч ёқасидан**
**тутганлар айтсин.**

Майли, бор ўша чет элингга, ҳеч ким, ҳатто мамлакатимиз Бош Қомуси ҳам бунга қарши эмас. Лекин у ерда Ўзбекистон қуёшининг тафтини, нонининг таъмини, қанчадан-қанча ота-боболаримиз азиз жонларини фидо қилган бу муқаддас замин ҳидини, ён-атрофингдаги одамларнинг меҳрини қўмсамайсанми, соғинмайсанми?.. Майли, зора, ўшанда Ватан туйғусини ўзинг чин юракдан ҳис этсанг.

Сен бормоқчи бўлган юрт ҳам кимларнингдир ватани. Уни ҳам улар жон-дилидан севади. Балки, фарзандларининг чексиз муҳаббати боис у юртлар сен ҳавас қиладиган даражага етгандир. Бир вақтлар бошига оғир кунлар тушган вақтда фарзандлари ташлаб кетганида эди, бугун сен уларга ҳавас қилиб юрмасдинг.

Ахир, эрк, озодлик, юрт равнақи учун жон фидо қилган қанчадан-қанча халқимиз асл фарзандларининг аччиқ, аммо шарафли қисмати сену бизга яхши маълумку. 1991 йилги тарихий воқеа сабабли Ватанимиз озод бўлди. Энди унинг довруғини ёйиш, бутун жаҳон халқлари ҳавас қилгулик, дунё гавҳари даражасига олиб чиқиш бизнинг чекимизга тушган экан, билсанг шунинг ўзи жуда катта бахт-ку.

Сен ташлаб кетсанг, бошқа биров жон куйдириб, машаққат чекишни хоҳламаса, яна бир ғаламис унга қарши қўл кўтарса, унда ким Ватан учун қайғуради, ким Юрт учун хизмат қилади?

Биласан, мен университетни тугатганимга бир йил бўлди. Менинг ҳам орзу ҳавасларим кўп. Ватанимизни қадрлаш, юксалтириш, ҳавас қилгулик мамлакатлар сафига қўшиш сенинг, менинг — муқаддас бурчимиз эмасми?.. Бизсиз ҳам Ватан обод бўлиши, ўз қаддини тиклаши мумкин. Лекин Ватансиз қолиш, қорин ташвишида ўзгалар қош-қавоғига қараб яшаш осон кечармикин?

**Беҳзод ШУКУРОВ**



Самарқанд вилояти Тожикистон Республикаси билан чегарадош бўлгани учун қўшни республикадан ташриф буюрувчилар оқими тўхтамайди. Жумладан, вилоятнинг «Жартепа» чегара санитария назорат постидан ҳар ойда 2-2,5 минг нафар қўшни давлат фуқаролари ўтади. Жорий йилнинг беш ойи давомида пост тиббий назорати ходимлари 16 нафар хорижлик фуқаро юқумли касалликка чалинганлигини аниқлашди. Улар чегарадаёқ юртига қайтариб юборилди.

Хизмат вазифасини масъулият билан бажариб келаётган санитария назорати ходимлари учун бу ерда барча шарт-шароитлар яратилган, касалликка қарши зарур дори-дармон етарли.

Айни пайтда вилоят марказида юқумли касалликларга қарши кураш олиб борувчи штаб ишлаб турибди. Жойлардан олинган маълумотлар таҳлил қилиниб, ўз вақтида чора-тадбирлар кўрилмоқда. Юқумли касалликларга қарши профилактик эмлаш ва қайта эмлаш ишлари ўз вақтида ўтказилмоқда.

— Вилоятимизда ўта хавфли юқумли касалликлар шу йилнинг ўтган даври мобайнида кузатилмади, — дейди Самарқанд вилоят давлат санитария назорати маркази бош шифокори, тиббиёт фанлари номзоди Неъмат Жўраев. — Бунга сабаб ходимларимизнинг ишга сидқидилдан ва масъулият билан ёндошаётганлигидир.



**Суратларда:** «Жартепа» чегара санитария назорат пости ходимлари хизмат пайтида.

**Тоҳир НОРҚУЛОВ (ЎзА) олган суратлар.**

**Истеъмолчи фикрига шарҳ**

# ЙЎЛОВЧИ, ЙЎЛ ХИЗМАТИ, ЙЎЛКИРА




ЁХУД МУЛОҲАЗА ВА МУАММО ЎРНИДА



**1**

Қаричилик... Баъзан бозор-ўчарда бўлган суҳбатлар пайтида ҳаёт икир-чикирлари, турли янгиликлар, ободончилик ишлари, кўчалару кўприклар, айланма равон йўллар, эски шақир-шуқур автобусу трамвайлар ўрнида «Мерседес», «БМВ», «ЛАЗ» русумли автобуслар ва замонавий трамвай вагонлари хизмат қилаётганини эслаймиз... Булар ҳаммаси — замона талаби, турмушимиз фаровонлиги, қолаверса, шаҳримиз кўрки. Дарвоқе, ҳозир пойтахтимиз ҳусни, салобати Москва, Парижу Лондондан нимаси билан кам дейсиз. Кўрганмиз, биламиз, ҳеч кам жойи йўқ!

Шу билан бирга мени кўпдан бери бир масала (муаммо деймизми?) ўйлантириб келади. Биргина мени эмас, бошқаларни ҳам ўйлантирса ажабмас...

Бундан икки ойча олдин, қўни-қўшни ва ён-атрофдагилар билан бўлган фикр алмашинувда шу ҳақда гап кетди.

— Қачонгача тўловлар ошаверади? Қачонгача биз доим гўлдек бўлиб тураверамиз? Ахир олдиндан ошкора айтиб, оммавий-ахборот воситаларида лоақал кичкина бир эълон бериб қўйса бўлмайдими? — деди бир мўйсафид.

Шу гап туртки бўлди-ю, ўзимча текширув ўтказишга саъй-ҳаракат қилдим. Шу йил 17 мартда — йўлкира қимматлашган куннинг эртасига «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига бордим. Мақсадим — уюшма раҳбари билан учрашиб, барча саволларимга жавоб олиш эди.

Ҳаммага аёнки, ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида нархнавонинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб туриши, ҳар бир соҳа раҳбарияти харажатларни ўзича босқичма-босқич қоплашга ўтиши оқибатлари турли хил тўловларда кўриниб турибди. Табиийки, бу ҳолни биров тушунади, биров тушунмайди. Баъзиларнинг эса тушунгиси ҳам келмайди... Натижада асаб бузилади.

Лекин асаб бузилмаслигининг иложи бор, чамамда. Ўзбек халқи чидамли, соддадил халқ. Тушунтирилса тушунади. Олдиндан айтилса кўнади. Ошкор қилинмасдан амалга оширилган тадбирдан эса кўнгли ранжийди, ўпкаланади.

Хуллас, уюшма раиси қабулхонасидаман. Раис Шомурод Муҳаммаджоновнинг йўқлиги учун биринчи муовини Шуҳрат Убайдуллаевга киришимни тавсия қилди. Бахтга қарши у киши ҳам йўқ эканлар. Шинамгина йўлакдаги ҳузургоҳда бироз дам олдим. Сўнг тўртинчи қаватга тушиб, яна бир муовин — Тўлқин Дадабоев қабулхонасига рўпара бўлдим. У киши ҳам йўқ экан. «Бошқаларига учрашиш бефойда, бошлиқсиз иш барибир битмайди», — дедим-у изимга қайтдим.

**2**

Транспортдан фойдаланиш йўлкирасининг қимматлашишини яқин ўн йилдан бери кузатиб келаман. 1994 йил июлида ўзимизнинг ўзбек сўми муомалага киритилганда йўлкира 20 тийин эди. 2004 йил 16 мартга келиб 140 сўм бўлди. Оддий арифметика ҳисобида — 700 марта ошган! Мана унинг динамикаси: 20 тийин, 30 тийин, 60 тийин, 90 тийин, 1 сўм, 3 сўм, 6 сўм, 10 сўм, 15 сўм, 20 сўм ва ҳ.к. (ҳужжатлар архивидан топса бўлади!)

Хизмат маданияти ҳақида ҳам бир оғиз сўз: салонлар ҳар доим ҳам тоза эмас. Ойналари ювилмайди. Ўриндиқлар йиртиқ. Баъзи йўналишдаги транспорт воситаларини кутиб, хуноб бўласиз...

**«Тошшаҳарйўловчитранс» мутасаддилари** ташаббус кўрсатиб, нафақахўрлар ва қарияларга имтиёз бериш, уларнинг бепул фойдаланишини жорий этиш лойиҳаси билан ҳукумат олдига чиқсалар бўлмасмикан? **Чунки, ҳозир уларнинг ярмидан кўпи транспортдан деярли фойдаланмайди. Буни улар сотиб олаётган ойлик чипталар сонидан ҳам билса бўлади.**

Яна бир фикр: ўзбекларнинг серфарзандлиги дунёга маълум. Ҳар бир оилада бир неча нафар мактаб ўқувчиси бор. Уларнинг ҳар бирига кунига 300 сўмдан (фақат йўл киранинг ўзигагина!) ота-она қаердан бериши керак?

Уюшма раисига шу гапларни айтиб, сопини ўзидан чиқарса бўладиган таклифларимни билдирмоқчи эдим. Афсус, у кишини (ўринбосарларини ҳам!) ўша куни учратолмадим...

**Эркин ИБРОҲИМОВ,**
**нафақахўр**

**3**

**ТАҲРИРИЯТДАН: Мазкур мақолани ёритишдан олдин унда кўтарилган муаммолар ва билдирилган мулоҳазаларни «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси раҳбариятидан шарҳлаб беришни илтимос қилдик. Уюшма бошқаруви раиси ўринбосари Т.Дадабоев имзоси билан олинган етти қоғоз ҳажмдаги шарҳ (жавоб)нинг мақолада билдирилган мулоҳазаларига тегишли бўлган жойларинигина эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз:**

«Шаҳар жамоат транспортининг иши тўғрисида гап кетар экан, энг аввало бугунги кундаги ютуқлар республикамиз мустақилликка эришганлиги натижаси эканлигини мамнуният билан таъкидлаш кераклигини ёдда тутмоғимиз даркор. Буни Эркин Иброҳимов ҳам ўз мақолаларида эслаб ўтганлари диққатга сазовор...

...Шаҳар йўловчи ташиш транспортида йўл ҳақининг ошиб бориши анча қийин муаммо... Биласиз, республикада йил давомида ёқилғи мойлаш ашёлари, электроэнергия нархи, энг кам ойлик иш ҳақи миқдори бир неча бор кўтарилади. Бу ўз-ўзидан эҳтиёт қисмлар ва барча материаллар баҳосининг ҳамда солиқ миқдорининг ошишига, шу жумладан, шаҳар йўловчи ташиш транспортида тариф ошишига ҳам сабаб бўлади... Масалан, 2003 йилнинг 29 ноябрь кунидан шаҳар транспортида йўлкира ҳақи 130 сўм қилиб белгиланган эди. 2004 йилнинг февраль ойигача ёнилғи маҳсулотлари, электр энергияси ва ҳ.к. нархи икки маротаба оширилди. Ва сўнги босқичда йўлкира ҳақи (16 март кунидан)140 сўм қилиб белгиланди.

Ёнилғи-мойлаш ашёларининг харажат сарфи баъзи корхоналарда 60%ни, йўловчилар оқими кам бўлган йўналишларда эса 80%ни ташкил этади...

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасининг барча фаолияти, шу жумладан йўловчи ташиш таннархининг амалдаги ҳолати доимо шаҳар ҳокимияти, республика ҳукумати ва Молия вазирлиги томонидан назоратга олинади. «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси ўз эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда, ўзбошимчалик билан шаҳар транспортида йўлкира тарифларини белгилаш ваколатига эга эмас.

Истанбул саммити олдидан

# ТИНЧЛИККА ҚАЛҚОН БЎЛИШ МАСЪУЛИЯТИ

## (НАТО ҚАРОРГОҲИДАГИ СУҲБАТЛАРДАН ОЛИНГАН ТААССУРОТЛАР)



### ШЕРИКЛИК — КАТТА ТАЯНЧ

Тўқсонинчи йиллар бошида НАТОда аъзо бўлмаган мамлакатлар билан хавфсизликни таъминлаш масаласида муносабатлар ўрнатишда янги ғоялар пайдо бўлди. Бу ғояларни ҳаётга тадбиқ этишдан кўзланган асосий мақсад, аввало, ўзаро ишонч ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш, мулоқотлар учун тизим яратиш, муаммоларни маслаҳатлашувлар асосида ҳал этиш учун имконият яратиш эди. Бу йўналишда қўйилган биринчи қадам — бу, 1991 йилда Шимолий Атлантика Ҳамкорлиги Кенгаши ташкил этилганлиги бўлди.

1994 йили НАТО «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» деган дастурда янги ташаббус билан чиқди. Бу дастур шериклик асосида ҳамкорлик қиладиган давлатлар ўз қуролли кучларини қайта қуришларига, бу қуролли кучлар демократик жамият қуришда ҳамда НАТО раҳбарлигидаги тинчлик ўрнатиш амалиётларида фаоллик кўрсатишларига кўмаклашишга қаратилган. Бунда ҳар бир мамлакатнинг истак-хоҳиши инобатга олинади ва турли соҳаларда ҳамкорлик қилиш учун имконият яратилади. Дастурда қатнашадиган давлат фаолият турларини ва сонини ўзи танлайди. Энг муҳими, ҳар қандай фаолият хавфсизликни таъминлаш манфаатларига хизмат қилиши керак. Бундай фаолият турига ҳарбий машғулотлар, симпозиумлар, семинарлар ва ўқув курслари кириши мумкин. «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури доирасида тўпланган тажриба Босния ва Герцеговинада ҳамда Косовода тинчлик ўрнатишда қатнашган давлатлар ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйишга ижобий таъсир кўрсатди.

Яқин вақтларгача «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида қатнашаётган давлатлар сони 27 та эди. Шу йил баҳорда 7 та давлат НАТОнинг тўлақонли аъзолигига қабул қилинди. Тинчлик йўлида шериклик асосида ҳамкорлик қилаётган 20 та давлат орасида Ўзбекистон ҳам бор. Бу ҳамкорлик 1994 йил 13 июль куни ўрнатилди. Шундан бери Ўзбекистон НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида фаол ва изчил қатнашиб келаяпти. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1996 йил 13 ноябрь куни Брюсселда бўлди ва НАТОнинг Бош қароргоҳига ташриф буюрди. Президентимизнинг НАТО Бош котиби Хавьер Солана билан ўтказган суҳбатлари муносабатларимизга янги куч, янги мазмун бағишлади. Кейинчалик Хавьер Солана ва НАТОнинг ундан кейинги Бош котиби Жорж Робертсон давлатимиз раҳбари билан Тошкентда учрашиб, муносабатларни янги поғонага кўтариш ва ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари юзасидан мулоқотлар ўтказдилар. Шундан кейин Фарғонада НАТО билан биргаликда ҳарбий машқлар ўтказилди. Бизнинг нафақат ҳарбий, балки илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигимиз ҳам мустаҳкамланиб боряпти. Шериклик биз учун ҳам, НАТО учун ҳам катта таянчдир.

НАТО Россия ҳамда Украина билан ҳам «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастури бўйича муносабат ўрнатган бўлса-да, бу давлатлар билан алоқаларга алоҳида аҳамият бермоқда. Айниқса, Болқонда юз бериб турган инқирозларни тинч йўл билан бартараф этишга доир ва бошқа мураккаб масалаларда ана шу давлатлар билан музокаралар олиб бориш зарурати туғилмоқда. Шунинг учун ҳам «Россия — НАТО» Кенгаши ва «Украина — НАТО» Комиссияси ишлаб турибди. Шунингдек, НАТОда «Ўрта ер денгизи мулоқоти» тизими таъсис этилган. Шунга кўра, Миср, Жазоир, Исроил, Иордания, Мавритания, Марокаш ва Тунис билан минтақадаги мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни яхшилашга қаратилган ҳамда минтақада хавфсизликни ва барқарорликни таъминлашга йўналтирилган мулоқотлар олиб борилмоқда. Халқаро терроризмга қарши кураш кучайгани сари бу мулоқотларнинг аҳамияти ортиб бораверади.

### ЎЗГАРИШ, ЯНГИЛАНИШ САРИ

Одатда, оммавий ахборот воситаларида НАТО ҳақида ёзилганида ёки гапирилганида, асосан дипломатия ишларига, турли даражадаги саммитларга, ҳарбий амалиётларга эътибор қаратилади. Ваҳоланки, НАТО фаолиятининг қамрови кенг. Тизимларда мунтазам равишда хавфсизлик билан боғлиқ вазиятни яхшилашга қаратилган лойиҳалар устида иш олиб борилади. Шарқий Европа мамлакатлари қуролли кучларини ислоҳ қилишда ёрдам кўрсатиш, собиқ ҳарбий хизматчиларни тинч меҳнат ишлари учун қайта тайёрлаш дастурларини яратиш, эскирган қурол-аслаҳаларни зарарсизлантириш каби вазифалар режа асосида амалга оширилади. НАТО инсонпарварлик ёрдамларини йўналтириш жараёнларида қатнашади.

НАТОда илмий дастур ҳам мавжуд. Ана шу дастурга асосан аъзо мамлакатларга ҳамда тинчлик йўлида ҳамкорлик қилаётган давлатларга олимлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлашда ёрдам кўрсатиляпти. Илмий дастур доирасида ўтказилаётган тадбирлар ҳамда ишлаб чиқилаётган дастурларда ҳар йили ўн минг нафарга яқин олим қатнашмоқда. Буларнинг бир қисми Кавказ ва Марказий Осиё мамлакатлари олимларидир. Жумладан, НАТО ўзбек олимлари билан ҳам янги илмий лойиҳалар устида иш олиб боряпти.

Жаҳонда юз бераётган ўзгаришлар ва ижтимоий-сиёсий вазиятлардан келиб чиқиб, НАТО ўзини янгилаб, қайта қуриб, фаолиятини такомиллаштириб боряпти. Прагада бўлиб ўтган саммитда ташкилотнинг халқаро терроризмга қарши курашдаги ўрни ва аҳамияти аниқланди. Яъни, терроризмга қарши курашнинг ҳарбий имкониятларини ўрганиш, бунда алоҳида куч ва воситалардан фойдаланиш, шериклик асосидаги ҳамкорликнинг терроризмга қарши курашдаги ҳаракат режасини маъқуллаш, бунда жаҳон ҳамжамиятини қўллаб-қувватлаш истагини баён қилиш каби ҳолатларда НАТО зиммасига тушадиган масъулият ҳар томонлама муҳокама қилинди. Ана шу муҳокама-ю келишувлар Афғонистонга НАТО қўшинларини киритиш учун асос бўлди. Прага саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ҳам иштирок этди. Умуман, Прага саммити жаҳонда хавфсизлик ҳудудларини кенгайтиришда, ер юзидаги нохуш ҳолатларни — инқирозлар, можаролар, низолар ва террорчилик ҳуружларини бартараф этиш борасида янги имкониятлардан фойдаланишда, ҳамкорлик ва мулоқотда янги муносабатлар ўрнатишда, энг муҳими, ўзгаришлар ва янгиланишлар йўлидан олға қадам ташлашда катта аҳамият касб этди.

Ҳозир НАТО ўзининг навбатдаги олий даражадаги саммити арафасида турибди. Саммит яқин кунларда Истанбулда иш бошлайди. Биз Брюсселга бораётиб ва у ердан қайтаётиб Истанбулда ҳам бўлдик. Икки қитъа — Европа ва Осиё гўзали бўлган бу шаҳар катта анжуманга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрмоқда. Тасаввур қилинг, бу азим шаҳарга бир пайтнинг ўзида 26 та НАТО аъзоси бўлган, 20 та «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида қатнашаётган, 7 та «Ўрта ер денгизи мулоқоти»да иштирок этаётган мамлакатларнинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари ташриф буюради.

Афтидан, Истанбул бекорга танланмаган кўринади. Гап бу шаҳарнинг иқлими ёки бошқа имкониятларида эмас. Умуман, биз НАТОнинг Бош қароргоҳида, Халқаро котибиятда, Халқаро ҳарбий штабда бўлиб шунга ишонч ҳосил қилдикки, НАТО фаолиятида АҚШ етакчи аҳамият касб этгани ҳолда, Туркиянинг ҳам алоҳида кўзга ташланиб турадиган ўз ўрни бор экан. Ҳарбийлар, мутахассислар ва хизматчилар орасида турклар анчагина. Уларни лойиҳалаш ва режалаштириш хизматларидан тортиб ҳарбий штабнинг жанговар бўлинмаларигача бўлган барча тизимларда учратиш мумкин. Улар НАТО Истанбул саммитига катта умид боғлаётганини ва ундан кўп нарса кутаётганини таъкидлашди. Биз бу ерда АҚШ, Германия, Франция, Буюк Британия, Польша ҳарбийлари ҳамда мутахассислари билан ҳам суҳбатлашдик. Улар Истанбул саммитида кўриладиган масалаларга алоҳида эътибор қаратишди ва Марказий Осиёдаги давлатларнинг, хусусан, Ўзбекистоннинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурида фаол қатнашаётганлигидан мамнуният изҳор этишди.

Бизнинг НАТОдаги мулоқотлардан олган таассуротимиз ва чиқарган хулосамиз шуки, бу ташкилотдаги ҳар бир ҳарбий, мутахассис ва хизматчи тинчликка қалқон бўлиш масъулиятини ҳис этаётганлигига ишонч ҳосил қилдик.

**Хуршид ДЎСТМУҲАММАД,**
**Иброҳим НОРМАТОВ.**
Тошкент — Брюссель — Тошкент.

(Давоми. Боши ўтган сонда).

---

«Ғалла — 2004»

## ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

**АНДИЖОН.** Избоскан тумани ғаллакорлари шартномавий режаларини бажардилар

Давлат омборларига 20340 тоннадан зиёд буғдой етказиб берилди. Мўл ва эртаки буғдой етиштирган «Гуркиров», «Истиқлол», «Ўзбекистон», «Урганжи» ширкат хўжаликлари миришкорларининг туман хирмонида катта ҳиссаси бўлди. Ўрим-йиғим давом этмоқда.

**Аҳмадилло СОЛИЕВ**

✧✧✧

**НАМАНГАН.** Тўрақўрғон тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб зафар довонидан ошдилар

Эл хирмонига 9500 тонна сара дон топширилиб, шартномавий режа бажарилди. Эришилган ютуқда «Олтин водий», «Намуна», «Наврўз» «Ибрат» сингари ширкат хўжаликларининг ҳиссаси катта бўлди.

Туманда келгуси йил ҳосили учун ҳам замин яратилиб, ҳозиргача 1900 тоннадан зиёд уруғлик жамғарилди.

**Носиржон ДЕҲҚОНОВ**

---

# XORIJDA

## АРМИЯ ҚИСҚАРТИРИЛАДИ

Украина Олий Радаси 2000-2005 йилларда қуролли кучлар миқдори тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш ҳақида қонун қабул қилди. Бунинг учун 238 депутат овоз берди. Компартия, «Наша Украина» фракциялари ҳамда «Центр» гуруҳи қарши чиқишди.

Мазкур ҳужжатни парламентга мамлакат Президенти тақдим этди. Қонун ушбу йил 30 декабргача Украина қуролли кучлари таркибидаги ҳарбий хизматчиларни 210 мингтага, ходимларни эса 75 мингтага қисқартиришни назарда тутади. Ҳозир мамлакат қуролли кучларида жами 355 минг нафар ҳарбий хизмат қилмоқда, дея хабар берди «Интерфакс» агентлиги.

## АРМИЯ КЎПАЙТИРИЛАДИ

АҚШ армияси сонини 20 минг кишига кўпайтириш масаласи мамлакат сенатида овозга қўйилди. 93 нафар сенатор бу масалани қўллаб-қувватлаган бўлса, атиги 4 нафаригина қарши чиқди.

Эндиликда АҚШ армияси 502,4 минг кишига етади. Унинг йиллик харажатлари эса, дея хабар беради Associated Press агентлиги, 1,7 миллиард долларни ташкил этади.

## УЧ КУНЛИК МОТАМ

Ингушетия Республикасида жангарилар ҳужуми натижасида 50 га яқин ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари қурбон бўлдилар. Шу муносабат билан Ингушетия Президенти Мурат Зязиков чоршанбадан эътиборан республикада уч кунлик мотам эълон қилди. Жангарилар душанба кечаси Ингушетия Ички ишлар вазирлиги биносига, Қорабулоқ посёлкаси ва Слепцовская қишлоғидаги 137-Назрани чегара отрядига ҳужум уюштирганлар.

Отишмада БМТнинг Ингушетиядаги вакили Магомед Гетагазов ҳам ҳалок бўлган. У ўз автомобилида ишдан қайтаётган эди.

БМТ Шимолий Кавказдаги ўз ходимлари хавфсизлиги муҳофазасини кучайтириш масалаларини қайта кўриб чиқмоқда.

«БМТ вакилларининг Шимолий Кавказга мўлжалланган мазкур ҳафтадаги барча ташрифлари бекор қилинди» дейилади. БМТ маълумотномасида.

Бу ҳақда «Новости» агентлиги хабар тарқатди.



Германия. Бредфорд шаҳри кўриниши

## ЯНГИ БОШ КОТИБ САЙЛАНДИ

Интернетнинг Polit.ru сайтидаги хабарда айтилишича, Европа Кенгаши бош котиблигига Буюк Британия парламенти аъзоси Терри Девис 5 йил муддатга сайланди.

Сайловнинг биринчи туридаёқ Кенгашнинг 157 аъзоси унга овоз берди (аслида 150 овоз етарли). Номзодлардан бири, амалдаги бош котиб Вальтер Швиммер учун 91, Эстония ташқи ишлар вазири Кристина Оюланд учун эса 51 киши овоз берди.

67 ёшли Девис 12 йилдан бери Европа Кенгашининг Парламент ассамблеяси аъзоси, лейбористлар партияси вакили. Сўнгги уч йилда Ассамблея сиёсий қўмитасининг Тоғли Қорабоғ муаммолари бўйича маърузачиси бўлган.

У 1 сентябрдан янги лавозим бўйича ишга киришади.

Амалдаги бош котиб Швиммер эса 1999 йил июнда сайланган. Унгача Парламент ассамблеяси аъзоси бўлган. Унга Австрия Миллий кенгашидан сайланган.

## ОДАМ САВДОСИ УЧУН ЖАЗО

Австралия маъмурияти одам савдоси билан шуғулланганлар учун жазо турларини кучайтиришни режалаб турибди. Бу ҳақда оила ишлари ва маиший хизмат вазири Кей Патерсон Reuters агентлигига маълум қилди. Унинг айтишича, болалар савдоси билан шуғулланганлар эндиликда 20 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилиши мумкин.

АҚШ давлат департаментининг одам савдосига бағишланган йиллик ҳисобот-маърузасида айтилишича, ноқонуний одам савдоси билан шуғулланувчи хитойлик ва жануби-шарқий осиёлик аёллар кўпинча Австралияга йўл олмоқдалар.

## ГИЁҲВАНД МОДДАЛАР ЕТИШТИРИШ КАМАЙГАН

Кокаин тайёрлашда асосий хомашё бўлмиш кока (баргидан кокаин олинадиган тропик бута) ҳосили Лотин Америкаси мамлакатларида кейинги 6 йилда 20 фоизга камайди. Жаҳоннинг наркобозорига кокаин етказиб беришда асосий мамлакатлар ҳисобланувчи Колумбия, Боливия ва Перуда гиёҳванд ўсимликлар плантациялари 1990 йилги даражага тушиб қолган.

BBC Newsнинг хабар беришича, бу биринчи навбатда БМТ ва маҳаллий ҳуқуқий идоралар саъй-ҳаракатининг натижасидир.

Агар маҳаллий фермерлар пул ишлаб топишнинг бошқа йўлларини ўзлаштирганда эди кока плантациялари янада камайган бўларди.

«Ҳозирча фермерлар кокаин хомашёсидан мисли кўрилмаган фойда олмоқдалар. Шунинг учун кокаин экиш, ўстириш давом этаверади, — дейди БМТнинг гиёҳванд моддалар ва жиноятчилик бўйича бюроси вакили Антонио Мария Коста. — БМТ аэросуратга олиш ва сунъий йўлдош орқали кузатишни қанчалик кучайтирмасин фермерлар кокаин етиштиришнинг янги усулларини ўйлаб топмоқдалар».

Антониoнинг айтишича, табиий кокаин, героин, марихуана етиштириш камайгани билан уларга бўлган жаҳоний эҳтиёж барибир бошқача йўллар орқали қондирилмоқда. Яъни синтетик гиёҳванд моддалар тайёрлаш авж олиб бормоқда.

Европада кокаинга бўлган эҳтиёж ҳануз юқори ўринларда турибди.

Шу кунларда Лотин Америкасида 153 минг гектар кока плантацияси қайд этилган. Шундан 86 минг гектари Колумбия, 44 минг гектари Перу, 23 минг гектари Боливия ҳиссасига тўғри келади.

---

## РАССОМ ХОТИРАСИ

**Ўзбекистон Бадиий Академияси Замонавий санъат марказида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, таниқли рассом ва педагог Ҳикмат Раҳмонов таваллудининг 90 йиллигига бағишланган кўргазма очилиши ва хотира кечаси бўлиб ўтди.**

Тадбирда Халқ рассоми, академик Малик Набиев ва бир қатор рассомлар, ижодкорлар сўзга чиқишиб, Ҳикмат Раҳмонов ижоди ва у ҳақдаги хотираларини ёдга олишди.

Ҳикмат Раҳмонов Абдулла Авлоний (1972), Фузулий (1984), Ал Форобий (1981) портретларини ва бошқа ўнлаб расмларни маҳорат билан яратган.

«Миллий ҳаёт жилвалари» (муаллифи Аҳмедов Маҳмуд Рамазон ўғли) китоби мусаввир Ҳикмат Раҳмоновнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бўлиб, унда Халқ рассоми, Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Раҳим Аҳмедов Ҳикмат ака ҳақида ўз эсдаликларини ёзган:

«Болалар уйида тарбияланаётганимда тасвирий санъат тўгарагига Ҳикмат ака Раҳмонов раҳбарлик қилардилар. Дастлабки сабоқни шу кишидан олганман...

...Кейинчалик, ҳарбий хизматни тугатгач, ҳеч иккиланмай, Ҳикмат аканинг уйларига кириб келдим. У кишининг уйларида яшаб, ижодимни давом эттирдим...»

Ушбу кўргазма 30 июнгача давом этади.

**Маъмуржон МАҲМУД**

---

Ҳар гал йўлкира ошганлигини йўловчиларга тўғри тушунтириш учун ҳаракат воситаси салонларига билдиришлар осишдан ташқари, давлат уюшмаси раҳбариятидан тортиб, корхоналардаги оддий мутахассисларгача 15 кун давомида барча йўналишларга чиқиб, йўлкира тушумини, қолаверса, йўловчилар ўртасида тушунмовчиликлар келиб чиқмаслиги ҳолларини назорат остига оладилар. Эркин Иброҳимовнинг 17 март куни «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси раҳбариятини ишхонасида учратмаганликларининг боиси ҳам шунда. Бошқарув раиси ҳам, муовинлари ҳам, бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари ҳам, йўналишларда оддий йўловчилардек жамоат транспортида омма билан бирга бўлиб, улар орасида тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

Бундай текширувлар якунида 2004 йилнинг 4 ойида ҳайдовчи ва чиптачилар томонидан 849 та қоидабузарлик қайд этилди. Хизмат маданиятининг аҳволи бўйича 130 марта, ҳаракат воситаларининг санитария-техник ҳолати юзасидан 74 марта текширув ўтказилди. Ҳайдовчиларнинг бекатларда керагидан кўп туриб қолиш ҳоллари, йўловчиларга чипта бермаганлиги ва чипта бегона шахслар томонидан сотилаётганлиги каби қоидабузарликлар учун 595 та далолатнома тузилди. Демоқчиманки, жамоат транспортида хизмат маданиятининг аҳволи «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси раҳбариятининг доимий назоратида...

Керак бўлганда лавозимдан қатъий назар,айбдор шахсларга маъмурий жазо қўлланилаяпти. Жумладан, айни шундай хато-камчиликлар учун 1,3,5,2519-автобус саройи, 4-автохизмат корхонаси, 2-трамвай депоси ва 2-троллейбус депоси раҳбарлари ва уларнинг ўринбосарлари алмаштирилди. Шу йилнинг 4 ойи мобайнида ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлиги учун 772 ҳайдовчи ва 290 чиптачи билан меҳнат шартномаси бекор қилинди...

Президентимиз ташаббуслари ва ғамхўрликлари билан валюта сарфлаб олинган «Мерседес-Бенц» автобуслари, «Татра» трамвайлари ва «Шкода» троллейбусларидан оқилона фойдаланиш туфайли биз билан ҳамкорлик қилишни хоҳлаётган ўнлаб чет эл фирмалари ўз маҳсулотларини яна таклиф қилишмоқда. Бугунги кунда 7 русумда чет эл автобуслари синов тариқасида шаҳар йўналашларида қатнаб турибди. Янги келган транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи корхонада бир неча йил ҳалол ишлаган ҳайдовчиларгагина берилмоқда.

Шу ўринда яна бир гап: одамлар орасида баъзан «ҳайдовчиларнинг ҳар бири кунига 4-5 минг сўм қўшимча «чой чақа» топишади» деган гап юради. Шундай бўлса, биз уларнинг лоақал бирор нафарини ишдан осонликча бўшатолармидик. Қолаверса, ишга қабул жараёнларини эълонларсиз, танлов асосида ташкил этиб, уларни «чертиб-чертиб» олмасмидик? Ёки 2004 йилнинг 4 ойида 827 ҳайдовчи ва 362 чиптачи ишдан шунчаки бўшаган бўлармиди? Мантиқан таҳлил қилиб кўринг, ҳозир уюшма бўйича 358 нафар ҳайдовчи (185 та автобус ҳайдовчиси, 146 та троллейбус ҳайдовчиси) етишмайди... Боз устига омборларда мутлақо бўлмаган «башмоқ», «лапка» каби эҳтиёт қисмларни ҳайдовчилар қаердан сотиб олишаётган экан? Бизнингча, бу баъзи нопок ҳайдовчиларнинг ўзлари тўқиган («хурмача» қилиқларини оқлаш учун) уйдирмалари, холос...

Мақоладаги «бир неча нафардан мактаб ўқувчиси бўлган оилаларда уларнинг ҳар бирига кунига 300 сўмдан пулни ота-она қаердан олиши керак?» деб бошланган жумлалар кишини ўйлантириб қўяди... Келинг, холисона мулоҳаза қилайлик. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси шаҳар йўловчилар транспортидан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлганлар рўйхатига 7 ёшгача бўлган болаларни киритиб, шу масала бўйича Қонунни тасдиқлаганида, мактаб ўқувчилари ўқишга транспортда эмас, балки пиёда боришлари мумкинлиги назарда тутилган. Чунки, ҳозир шаҳарнинг ҳар бир мавзесида мактаб бинолари борлигини инкор этиб бўлмайди... Ваҳоланки «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси томонидан мактаб ўқувчилари учун имтиёзли ойлик йўл чипталари жорий қилинган. Улар умумий йўл чипталари баҳосидан 3 марта арзон нархларда сотилади. Бугунги кунда шундай чипталар билан жамоат транспортидан фойдаланаётган йўловчиларнинг сони 19,5%ни ташкил этмоқда...

Мақола «Сопини ўзидан чиқарса бўлади» деган жумла билан якунланган. Биз ҳам буни инкор этмаймиз. 2004 йилнинг 19, 21, 23, 25 апрель кунлари республика Молия вазирлиги томонидан «Тошшаҳарйўловчитранс» Давлат уюшмаси корхоналарида нақд пул тушумининг қай аҳволда эканлиги текширилди ва йўловчилар оқими хронометраж қилинди. 19 апрель куни 32 та йўналиш иши назоратга олиниб, касса текширилганда 14 йўналишда йиртилган чипталар сонига нисбатан 23.538 сўм кўп пул йиғилганлиги, 13 та йўналишда эса 26.080 сўмлик камомад борлиги аниқланди.

Бунинг асосий сабаби, баъзи тоифадаги йўловчиларнинг (асосан пенсионер ва ногиронлар) йўлкира учун белгиланган 140 сўм ўрнига 50 ёки 100 сўм тўлаганликларидир. Уларга чипта берилганда кассада камомад, чипта берилмаганда эса кўп пул тушуми ҳосил бўлган. Шунингдек, 21, 23, 25 апрель кунлари ўтказилган мониторинг натижалари ҳам мазкур аҳволни яна бир бор тасдиқлади. Шаҳар транспортида ташилаётган умумий йўловчиларнинг 21,1% нақд пул тўлаётганликлари (2004 йилнинг март ойида бу кўрсаткич уюшма бўйича 29,9% бўлган), 61,7% йўловчилар ойлик йўл чиптасидан фойдаланаётганликлари (уюшма бўйича март ойида бу кўрсаткич 66,4% ташкил этган), 5,6% йўловчилар бепул юриш ҳуқуқига эга бўлмасалар-да, (булар асосан ИИВ, прокуратура, ФҲВ, солиқ инспекцияси ходимлари) йўлкира ҳақини тўламаганликлари, 4,7% йўловчилар эса умуман ҳақ-ҳуқуқсиз текинга юрганликлари қайд қилинган. Бундан ташқари 4 та йўналишда 21 йўловчидан қалбаки ойлик йўл чипталари олиб қўйилди...

**Афсус билан айтиш керак, баъзи йўловчиларнинг жамоат транспортига бўлган бефарқ муносабати, Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланганидек, «Шаҳар йўловчилар транспортидан фойдаланганда тозалик ва тартибга риоя этишлари, ташувчиларнинг асбоб-ускуналари ва мол-мулкини эҳтиёт қилишлари» каби мажбуриятларни писанд қилмасликлари ҳам сарф-харажатларнинг кўпайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, фақатгина «Мерседес» автобусларининг ўриндиқларини ҳар хил ёзув ва сақичлардан тозалаш учун йилига 3,0 млн. сўмга яқин маблағ сарфланаётгани, йил мобайнида трамвай ва троллейбусларнинг 2000 метрдан ортиқ мис контакт симлари ўғирланаётгани ва бундан кўрилган зарар ҳам 3,0 млн. сўмдан ошиб кетаётганлиги, сўнгги бекатлардаги нозимхона ойналари ойма-ой синдирилаётганлиги, улардан ҳатто телефон аппаратлари ўғирлаб кетилаётганлиги каби ҳолатларни ҳам айтиб ўтиш жоиз, деб ўйлаймиз.**

**Бундан ташқари йўналишларда олиб борилаётган назорат натижасида, ойига 130 нафардан зиёд йўловчидан қалбаки ойлик йўл чипталари, 950-1000 нафардан ортиқроқ йўловчидан имтиёзли бепул юриш ҳуқуқини бермайдиган ҳужжатлар олиб қўйилганлигини ёхуд етказилаётган зарарнинг ўртача қиймати ойига 20 млн. сўмдан ошиб кетаётганлигини ҳам таъкидлаб ўтмоқ керак. 2004 йилнинг 4 ойи якуни бўйича йўл ҳақини тўламаган 1762 нафар йўловчидан 958.528 сўмлик жарима ундирилганлигини нима деб изоҳлаган бўлардингиз?!**

**Биз, шаҳар йўловчи ташиш транспортидаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва хизмат маданиятини янада яхшилаш йўлида** «Шаҳар йўловчилар транспорти тўғрисидаги»**ги қонунда белгиланган мажбуриятларнинг ҳайдовчилар томонидан ҳам, йўловчилар томонидан ҳам бажарилишини мунтазам ёритиб борувчи мақолаларнинг изчил бериб борилиши учун барча оммавий ахборот воситалари, жумладан,** «Ўзбекистон овози» **газетаси таҳририяти билан яқиндан ҳамкорлик қилиш ниятидамиз.»**

Сўнгги сўз: кўриб турибсизки, мақола муаллифи ҳам, «Тошшаҳарйўловчитранс» раҳбарияти ҳам муайян даражада ҳақ бўлиб чиқаяпти. Ҳолбуки, 3-4 кун олдин шаҳарда йўлкира ҳақи яна 10 сўмга ошиб, 150 сўмга етди. Ўйлаймизки, бу ҳолга ҳам уюшма раҳбариятидан олинган шарҳ етарли.

Энг муҳими, биз бир-биримизни тўғри тушуниб, бир-биримизга ёрдам бермоғимиз, ҳамкорлик қилмоғимиз керак, назаримизда. Шунда, сих ҳам куймайди, кабоб ҳам. Ўпка-гинага ҳожат қолмайди. Қолаверса, куйинишларимизнинг барчаси умумишига, умуманфаатига қаратилган.

**Афинада бўладиган XXVIII ёзги Олимпия ўйинларида етмиш нафарга яқин спортчи ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Кеча Ўзбекистон Миллий Олимпия қўмитасида олимпиячиларимизнинг спорт кийим-кечаклари тақдимоти маросими ўтказилди.**

## «ADIDAS» ЛИБОСЛАРИДА

— Бу галги Олимпия ўйинларида иштирок этадиган Ўзбекистон спорт делегацияси умумий сони 110 нафардан ошиши кутилмоқда, — деди Миллий Олимпия қўмитаси президенти Азиз Носиров. — Вакилларимизнинг ушбу нуфузли мусобақада муваффақиятли қатнашишларини таъминлаш мақсадида барча чоралар ишга солиняпти. Олимпиадада иштирокчиларининг кийган либослари ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Шу боис, Афина олимпиадасида спортчиларимизнинг дунёга машҳур «Adidas» фирмасида тайёрланган спорт либосларида ташриф буюришларини маъқул топдик. Спорт кийим-кечаклари билан таъминлашга доир барча расмий келишувлар амалга оширилди. Ишонаманки, фирманинг бежирим ва кўркам либослари Ватанимиз спортчиларига омад келтиради.

Эслатиб ўтамиз, 2000 йили Сиднейда ўтказилган XXVII ёзги олимпиадада спортчиларимиз «Admiral» фирмаси спорт либосларида қатнашган эди.

Спорт

# БЕШ ПАҲЛАВОН



Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

Газетамизнинг аввалги сонида Жанубий Кореяда ёшлар ўртасида бокс бўйича ўтган жаҳон чемпионатида ҳамюртларимизнинг икки олтин, икки кумуш ва битта бронза медалини қўлга киритганлигини маълум қилгандик. Куни кеча Ўзбекистон спорт делегацияси Тошкент халқаро аэропортида тантанали кутиб олинди.

— Чемпионатда ўнта вазн тоифасида иштирок этдик, — дейди Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Мансур Маҳмудов. — Шогирдларимизнинг барчаси юқори натижаларни қўлга киритиш учун бор маҳоратини ишга солишди. Натижада мусобақа якунида ёшларимизнинг тенг ярми ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олди. Илҳом Раҳимов (51 кг.), Элшод Расулов (69 кг.) олтин, Зокир Ортиқов (60 кг.), Азизбек Раҳмонов (91 кг.) кумуш ҳамда Аббос Отаев (75 кг.) бронза медалларига сазовор бўлди. Умумжамоа ҳисобида етмиш уч давлат спортчилари қатнашган мазкур чемпионатда шогирдларимиз кубаликларни ортда қолдириб, россияликлардан кейин фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

**Эркин ХОЛБОБО**

**Суратда:** беш паҳлавон (чапдан) Азизбек Раҳмонов, Аббос Отаев, Илҳом Раҳмонов, Зокир Ортиқов, Элшод Расуловлар.

# НАВБАТ — ЧОРАК ФИНАЛГА

Бугун Европа футбол чемпионатининг ҳал қилувчи босқич ўйинлари бошланади. Гуруҳларда ғолибларни аниқлаш учун ўтказилган ўйинлар мухлисларда катта қизиқиш уйғотди. Тўрт гуруҳга бўлинган 16 жамоадан 8 таси чемпионлик учун курашни давом эттиради. Мусобақа олдидан билдирилган тахминларнинг саксон фоизи пучга чиқди. Буёғи энди чорак финал.

Гуруҳ учрашувлари якунлари хусусида қисқача тўхталсак. «А» гуруҳидаги Португалия, Греция, Испания, Россия жамоаларидан қайси бири курашни давом эттириши ҳақида турли фикрлар айтилганди. Бироқ мезбонлар — Португалия футболчиларининг олтита очко билан чорак финалга йўлланмани қўлга киритишади, деб ким ўйлабди, дейсиз. Европа футболининг ўзига хос юлдузларидан саналувчи Испания жамоасининг эса барвақт чемпионатни тарк этиши футбол билимдонларини ҳайратга солди. Греция эса чорак финал баҳсларида ҳам муносиб ўйин кўрсатишга шайланиб турибди. Россиялик мухлисларнинг тақдирга тан беришдан ўзга чоралари йўқ. Рус футболчилари 3 та учрашувдан биттасида ғалабага эришдилар, холос.

«В» гуруҳидаги Франция ва Англия жамоалари мухлислар ишончини оқлашди. Хорватия билан Швейцария футболчилари эса бу сафарги чемпионатда маҳорат мактабини ўтадилар, десак ҳам бўлади. Ушбу гуруҳда учинчи тур ўйинлари Хорватия — Англия жамоаларининг учрашуви билан бошланди. Қизғин ва муросасиз баҳсда дарвозаларга олтита тўп киритилди. Шундан тўрттаси инглизларга тегишли бўлса, иккитасини хорватлар киритишди. Швейцария — Франция учрашувида эса дарвозалар тўрт марта ишғол этилди. Учрашувнинг биринчи қисмида Зидан ҳисобни очган бўлса, кўп ўтмай Йоханни ҳисобни тенглаштирди. Танаффусдан кейин таниқли француз футболчиси Тиерри ўз жамоасини олдинга олиб чиқди. 85-дақиқада у яна бир тўп киритиб, французлар ғалабасини мустаҳкамлади. Шашти баланд бу футболчи журналистларга берган интервьюсида ишонч билан: «Биз финалгача борамиз», деди.

«С» гуруҳидан чорак финалга йўлланма олган жамоаларнинг тақдири учинчи тур ўйинларида ҳал бўлгани ҳам чемпионатда фақат кучли жамоалар иштирок этаётганини яна бир бор тасдиқлади. Дания — Швеция учрашуви эса мухлислар олдиндан башорат қилгандек, 2:2 ҳисобида дуранг якунланди. Кўпчиликнинг фикрича, гўёки бу ўйин келишилган эмиш. Бу бир тахмин, холос. Ҳақиқатан ҳам бу жамоаларнинг дуранг натижаси, италияликларни чорак финалга чиқолмай қолишларга олиб келарди. Шундай ҳам бўлди. Дания — Швеция учрашувининг 28-дақиқасида Томассон ҳисобни очиб, Ларссон (47 дақиқа) 11 метрлик жарима тўпини тепиш билан вазиятни тенглаштирди. Танаффусдан кейин Томассон иккинчи тўпини киритиб, ҳисобни 2:1 га етказди. 89-дақиқада эса Юнсон ҳисобни тенглаштирди — 2:2. Италия — Болгария учрашувида эса итальянлар — 2:1 ҳисобида ғалаба қилди. Аммо, бу натижанинг италияликларга сариқ чақалик нафи бўлмади. Шундай қилиб, бу гуруҳда Швеция футболчилари биринчи, данияликлар иккинчи ўринни эгаллашди.



«D» гуруҳидаги аҳвол бутунлай бошқача. Чунки, Чехия футболчилари иккита ғалаба билан муддатидан илгари чорак финалга йўлланмани нақд қўлга киритишган. Иккинчи йўлланма кимга насиб этиши Голландия — Латвия, Германия — Чехия учрашувлари натижасига боғлиқ бўлиб қолди. Ҳар қалай Германия ва Голландия каби номдор жамоалар чемпионат билан хайрлашмасалар керак. Аммо, бундай нуфузли баҳсда илк марта қатнашаётган Латвия футболчиларининг ҳам бўш келмасликлари аниқ. Шундай қилиб, Россия, Испания, Хорватия, Швейцария, Италия, Болгария футболчилари томошабинга айланишди. Яна икки жамоанинг улар сафига қўшилиш-қўшилмаслигини «D» гуруҳидаги сўнгги учрашувлар ҳал этади.







Шундай қилиб, бугун Португалия — Англия жамоалари ўртасида дастлабки чорак финал учрашуви бўлади. 25 июнда Франция — Греция жамоалари майдонга тушадилар. Шанба куни Швеция футболчилари «D» гуруҳида иккинчи ўринни эгаллаган жамоа билан майдонга чиқади. 27 июнда эса Чехия жамоаси Дания футболчилари билан баҳс юритади.

Кучли саккиз жамоадан қайси бирининг омади чопади? Буни вақт кўрсатади.

**Ҳайдар НОСИРОВ,**
**Равшан ШОДИЕВ**

**Ҳамид Икромов — таниқли журналист, ёзувчи эди. У «Қанотлар», «Тонг юлдузи», «Шиша кўз» қиссалари, «Бир кам дунё», «Бир оғиз сўз», «Раққоса», «Булутли тонг» каби ҳикоялари билан ўқувчиларга танилганди. Ҳамид Икромов газетамиз таҳририятида умрининг охиригача ишлади. Ҳамкасбимизнинг қўлёзма ҳолида қолган «Тунги поезд» қиссасидан парча эълон қилаётирмиз.**

# ЛУТФИ

Кеннойим мени елкамдан оҳиста ушлаганча, боғ томонга бошлади. Айтганча, негадир уларнинг уйи қишлоқдан анча олис. Мовий ранг кўйлагини ҳилпиратганча чопиб кетди. Етиш қайда? Кеннойим қаттиқ кулар, тиззаларига уриб қўярди. Капалакдек мени чалғитмоқчи бўлса ҳам қувгандан қувдим. Охири етолмаслигимга кўзим етиб, ерга ўтириб олдим. У ҳам майсазор ўртасида бир-икки чир айланди-да, ерга йиқилди. Аммо чиройли кўзлари тўрига ўтгани сезиларди. У оҳиста куйлай бошлади. У юрак-юракдан куйларди. Обид акамнинг елкасига бош қўйганича, тиззасини қучоқлаб ўтирганича кўнглини бўшатаётганини пайқардим.

Кеннойим менга бармоғи билан, бери келинг, ишорасини қилди. Уйга кириб суратлар, аллақандай қоғозлар олиб чиқди. Унинг Обид акам билан Тошкентда курант ёнида тушган расмини кўриб, хаёлга чўмдим. Обид акам худди бизга қараб кулимсираб тургандай эди.

Очиқ турган бир хатдаги менда эди. Қизиғи, унинг маржон тер ялтираган чеҳрасида на кулги, на севинч аломати бор эди?! Ёмон йиқилиб тушибдида, деган хавотирда қўлларидан аста тутдим. У чурқ этмади, аммо ёқимли кўз қараши билан мени ўз боласидек эркалаб-суярди. Буни фақат иккимиз тушунардик, холос. Ёш келинчакларгина шундай меҳр қўяди, одамга.

Кеннойим бу ҳолидан уялди шекилли, дарров ўрнидан туриб ўтирди-да, кўйлагини тузатиб, жингалак сочларимни силаганча, узоқларга, қор ялтираган чўққиларга эмас, ундан ҳам олисга — қирмизи ранг уфққа тикилиб қолди. Бу менга ҳам таъсир қилди, соатлаб шундай ўтиришга тайёр эдим. Мен беихтиёр ўша ёққа тикилдим. Унинг қалбида мен англаб етмаган туйғулар борлигини у пайтда ҳали билмасдим. Вақт ўтказиш учунгина шундай қиляпти, деб ўйлардим. Бошини кескин силкиб ўрнидан турди-да, қулоғимни «чўзма» қилди. Қулоқларим қизариб кетганини сезсам ҳам унинг юзига тикилиб туравердим. Кўзларида доим бирдай ёниб турувчи ўт бор эди-да!

✧✧✧

Кунларим шундай ўтаверди. Қандай яхши, меҳрибон-а улар! Кеннойим турадиган уй янги солинган бўлиб, орқаси катта боғ. Яқинда бўлиниб чиқишганга ўхшарди. Ёнларидан жилмасдим. Рости, мени ҳам бир қадам нарига силжитишмас, топган-тутганларини олдимга қўйишарди. Роса сийлашарди. Бир гал магнитафонни бузиб қўйдим. Индашмади. Айвонда радиоприёмникни қўйсам, най садоси... Баланлатдим... Куй узоқларга ёйилди. Обид акам бир маҳал паст овозда: Лутфи деб чақирди. У остонада қайларгадир хаёлчан нигоҳ ташлаб, эшикка суяниб турарди. Унинг уйга кирганини қадам товушидан эшитдим. Улар гўё қушни учириб юборишдан чўчишгандай оҳиста пичирлашиб, кулишди. Кеннойимнинг майин қиқирлаб, дам дераза томонга, дам уй «Мен умрбод сизни...» деган сўзларга кўзим тушиб қолди. Буни сезиб, жилмайиб хатни олди-да, авайлаб чамадонга солиб қўйди.

— Бу хатни уч кунгача беролмай юрган, — деб «пиқ» этиб кулди-ю, югуриб уйга кириб кетди. Олма гулли янги кўйлакда чароқлаб чиқди. Обид акам уйда ҳам худди байрамдагидек чиройли кийиниб юришини ёқтирарkan. Хуллас, уларнинг севгиси қишлоқда «достон» бўлган экан. Баъзан дастурхон устида, гоҳида кўчакўйда эшитиб қолардим. Кеннойим ёшлигида ҳеч нарсадан тап тортмайдиган бўлган, Обид акамни ҳам сўзда «мот» қилар экан. Аммо, қизиқ, Обид акам одатдаги гапини ҳам унга қизармай айтолмас эди. Ҳаммасини ичига ютиб юрган кеннойим бир куни кечки пайт Обид акам сигирга ўт ўргани борганида дарахтлар ортидаги сойликда «Вой, оёғим!» деб додлайверди. Обид акам билан бирга югуриб келсак, у ўнг оёғини босолмай ҳадеб товонини ушларди. Мен томонга қараб-қараб қўярди!

— Энди опичиб кетасиз!

Обид акамнинг опичиб олиб кетганини баъзилар кўрганми, ё эшитганми, бу гап бутун қишлоққа ёйилиб, тўйларда, уч-тўрт одам тўпланган жойда шунинг ҳангомаси бўларди!

...Бир куни тушдан кейин Обид акам: «Дадам чақиртирибди» деди-ю, хаёли бутунлай бошқа нарсада шошиб чиқиб кетди. Анчадан кейин, уларникига келганимдан бери энди, биринчи марта қадди эгик, қовоғи солиқ ҳолда қайтиб келди. Сира ярашмас экан. Бизни эркалатиши, бағрига босиши, кулдиришларига ўрганиб қолган эканмизми, худди ичимизга қор ёққандай бўлди. Кеннойимнинг «Нима бўлди ўзи? Айтсангиз-чи?» деганига ҳам тайинли жавоб бермади.

Чой устида ҳам чурқ этмади. Юрагимиз диққанафасликдан ёрилай деди. Сирғалиб чиқиб кетганимни билмайман. Шу пайт уларнинг гангир-гунгир овозларини эшитиб қолдим.

— Лутфи, дадам бу гапни менга икки-уч айтди, — деди Обид ака босиқ овоз билан, — сенга энди айтаяпман. Отамнинг юзига ботиниб бирон нима дея олмадим.

— Дадамнинг мақсадлари нима? — хавотирланиб сўради кеннойим.

— Дадам энди қартайган. Қариганда одам ҳар нарсани гапираверади. Отага бир нарса деб бўлмаса, — деди Обид акам. Аммо шу зумдаёқ кеннойим маъюс тортиб қолди. У дераза ёнига келиб анча ўйланиб турди. Шунда хаёлимдан, тоға буларнинг дилига нега озор беради, зада бўлишиб, бу ёққа кўчишган экан-да, деган фикр ялт этиб ўтди. Бир вақт кеннойим деразани ланг очдию:

— Ҳой, Хуррамжон, ҳовлида нима қилиб ўтирибсиз? — деди. Унинг овозидаги ҳазинликни сезиб кўнглим безовта бўлди. — Боққа чиқиб келамиз, юринг.

Боққача индамай етиб келдик. Бир пайт диққанафасликданми, кеннойимнинг кўзини шамғалат қилиб ёнғоққа чиқиб кетдим. У излади қайнимлаб роса чақирди. Миқ этмай ўтиравердим. Ниҳоят мактабда ўрганганим — булбул бўлиб сайрадим. Оҳ, бунчалар сулув-а, кеннойим! Тепага, осмонга қараганда айниқса қора сочлари орқаси билан битта бўлиб шалоладек у ёқдан-бу ёққа тўлғонганда, чеҳрасига суқсурларнинг суқи киради, қараганнинг нақ кўзи тегар эди!

— Ҳой булбул, тушинг, кеч бўлди, — деди. Қизариб-бўзариб тушдим.

— У илгари қаровсиз эди, — деб ҳикоя қила бошлади кеннойим ҳазин бир оҳангда. — Бир замонлар дарахтлар мевадан қолиб, токлар кўтарилмасдан қолиб кетаверган. Ичида чакалакзор битиб, у ерга ҳеч ким бормай қўйган, — у тўхтаб оғир тин олди. — Шу қишлоқлик бир мелисанинг жасадини топишгандан кейин бу боққа катта ҳам, кичик ҳам йўлашга бетламаган. Шунданми, одамлар уни «Бахтсиз боғ» деб аташаркан. Айтишларича, мевасини еган одам бахтсиз бўлармиш. Бахтсиз одамлар тўқиган гап!

Акангиз уч-тўрт ўзига ўхшаган йигитлардан бригада тузиб, шундай боғни обод қилишни қишлоқ оқсоқолига бориб айтди. Трактор беришди. Бунга тоғангиз қаршилик қилди. бир куни: «Сенга нима, бахтсиз боққа бориб ишлагандан кўра, худодан фарзанд тила», — деганини эшитиб эзилиб кетдим. Акангизга бу ҳақорат туюлди. Гапимнинг устидан чиқмасам қишлоқдан кетганим бўлсин, деди. Боғмисан боғ қилди ўзиям! Акангизни ўша кунлари кўрганингизда. Эти бориб устихонига ёпишган, ҳозирги келбатидан асар ҳам йўқ эди. Шунақа раҳмим келардики...

Кеннойимнинг сўзларини бутун вужудим билан тинглардим. Обид акага ачиниб кетдим. «Бахтсиз боғ» деганича бор экан-да, ўзи. Бу боғ ўшанда кўзимга хунуқ кўриниб, мен ҳам тезроқ чиқиб кетишга ошиққаним эсимда! Қишлоқда баъзи хотинлар меваси қурсин, хосиятсиз дейишиб, ейишдан ҳазар қилишаркан. Аммо кеннойим: «Бу боғ акангизнинг довруғини бутун туманга ёйган, «биринчи фермер боғбон» деб ғурур билан гапирарди. Ўз ғамини гўё унутиб, қишлоқ хотинлари олдида доимо бошини кўтариб мағрур юрар, уларга сўзини бермасди.


## Ҳурматли ишбилармон тадбиркорлар!

**KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO`LIMI» масъулияти чекланган жамияти**

**ҳафтанинг ҳар душанба, чоршанба, жума кунлари биржа савдоларига таклиф қилади.**

**БИРЖА САВДОЛАРИГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:**

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Паркент кўчаси, 51-уй манзилгоҳида жойлашган «SANOATKONSALTING» масъулияти чекланган жамияти шаклидаги ташқи иқтисодий консалтинг компаниясининг 90,0 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич нархи — 45 377 280 сўм.**

«Ўзбеккино» Миллий агентлигига қарашли, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 1-уй, манзилида жойлашган «ИНСОН» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич нархи — 5 892 190 сўм.**

Тошкент шаҳар, А.Икромов тумани, Лутфий кўчаси, 55-«А» уй манзилгоҳида жойлашган «VATAN-BOBURSHOH» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 5,48 фоизлик давлат активи.

**Бошланғич нархи — 5 021 840 сўм.**

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Зарқайнар кўчаси, 2-уй манзилгоҳида жойлашган «ICHTA`MINOTTRANS» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 25 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич нархи — 4 715 725 сўм.**

Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, С.Олимов кўчаси, 22-уй манзилгоҳида жойлашган «TASHAVTO-SPORT» масъулияти чекланган жамиятининг Низом жамғармасидаги 27,8 фоизлик давлат улуши.

**Бошланғич нархи — 9 716 510 сўм.**

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.**

**Хизматлар лицензияланган.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ

## «ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»



ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

*«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.*

**Товар сертификатланган.**

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru


Тошкент шаҳар Миробод маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежи ҳисобидаги К серияли №060676 дан №060700 гача бўлган диплом бланкалари йўқолганлиги сабабли ҳақиқий эмас деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сиёсий ижроия қўмитаси Навоий вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р.Ботировга волидаи муҳтарамаси **МУСАЛЛАМ момо**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


**BOSH MUHARRIR:**
**Safar OSTONOV**

**TAHRIR HAY`ATI:**
**Abdulla ORIPOV**
**Asliddin RUSTAMOV**
**Azimjon AYUPOV**
**Aziz NOSIROV**
**Ashur QODIROV**
**Bobir ALIMOV**
**Habib SA'DULLA**
**Norbobo SHAKAROV** (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
**Alimqul SULTONOV** (Bosh muharrir o`rinbosari)
**Andrey ORLOV** (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
**Nomoz SA`DULLAYEV**
**To`lepbergen QAIPBERGENOV**
**Muslihiddin MUHIDDINOV**
**Olim MURODOV**
**Abdug'ani MAMASODIQOV** (Mas'ul kotib)

**MUASSIS:**
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO`LIMLAR:**
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

**VILOYAT MUXBIRLARI:**
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

**MANZILIMIZ:**
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
**Farruh HAMROYEV**

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar:
**Ikromjon ISMOILOV**
**Elyor UBAYDULLAYEV**

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
**Korxona manzili:** *Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro`yxatga olingan.*

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*


«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


**Г — 765**
**10111 nusxada bosildi**
t — Тижорат материали
*Topshirish vaqti — 21.00.*
*Topshirildi — 22.45.*
1 2 3 4 5
**SOTUVDA ERKIN NARXDA**